



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 9 июль, № 136 (5051)

Жума

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Илғор тажриба асосида

ЖИЗЗАХ. Арнасода тадбиркор Ортиқ Пардаев ташаббуси билан пишиқ гишт ишлаб чиқаришнинг "Афросиёб — Турк — Арнасой" МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси ишга туширилди.

Корея технологияси асосида замонавий хумдонларда бир йўла 18 минг донна хом гишт пишиқилапти. Корхона жамоаси йил охиригача ярим миллион дондан зиёд маҳсулотни аҳоли ҳамда туманда қурилаётган янги иншоотларга етказиб беришни ният қилган.

Тадбиркор корхона фаолиятини йўлга қўйиш учун "Қишлоқ қурилиш банк"дан 40 миллион сўмлик кредит олди.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Саҳтиённинг сифатли мебеллари

ХОРАЗМ. Гурлан тумани Саҳтиён қишлоғида тадбиркор Қадимбой Матсафоев мебель ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона ташкил қилди.

Тадбиркор корхонага Хитой давлатидан 45 минг АҚШ доллари эвазига замонавий технология келтириб ўрнатди.

Хозир бу ерда ҳар ойда 3 миллион сўмлик 10 турдаги мебеллар тайёрланмоқда. Корхона фаолиятини йўлга қўйишда 14 миллион сўмлик банк кредити ҳам қўл келди.

Этиборлиси, Гурлан туманида шу йилнинг беш ойи мобайнида 3 миллиард 416 миллион сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди.

О. РАХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Битирувчилар учун ярмарка

БУХОРО. Когон машиний хизмат касб-хунар коллежидан туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини иқтисодий муҳофиза қилиш маркази томонидан меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Тадбирда 45 та корхона ва ташкилот 115 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Этиборлиси, маазур ярмарка шарофати билан коллежнинг 43 нафар битирувчиси ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди.

Туманда жорий йилда 3707 та янги иш ўрни яратилиш кўзда тутилган бўлиб, ўтган олти ой ичида икки минг нафарга яқин киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

И. ИБРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бунёдкорлар туҳфаси


ТЎРТЎЛ тумани халқ таълими бўлимига қарашли 16-мактаб янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жами 1 миллиард 560 миллион сўм маблағ сарфланган ушбу зин масканни «СМП-260» масъулияти чекланган жамияти курувчилари бунёд эттиди.

Янги ўқув йилидан бошлаб 825 нафар ўғил-қиз замонавий педагогик технологиялар билан жиҳозланган таълим масканида билим олишади.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚИШЛОҚ САНОАТИНИНГ ИСТИҚБОЛИ



СУРАТДА: корхона ишчилари Тўйли Холиқулов ва Ойбек Қосимов. Ҳасан ПАЙДӨВӨВ олган сурат.

Ана шундай корхоналардан бири бўлган Нарпай туманидаги "Оқтошмева" Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амириклари қўшма корхонаси ташкил топганига кўп бўлмади. Шунга қарамай, бу ерда маҳаллий имкониятлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришга хориж инвестициясини жалб этиш ҳисобига дастлабки йиллардан оқ маҳсулотни экспортга чиқаришга эришиб келинмоқда.

— Корхонамиз техник жиҳатдан

тўлиқ жиҳозланган, — дейди корхона бош муҳандиси Рустам Бобоқулов. — Замонавий ускуналар Италиянинг "FBRILPO" компаниясидан келтирилган. Бунга сарфланган маблағнинг 50 фоизи Бирлашган Араб Амириклари сармоядорлари улушига тўғри келади. Таъкидлаш жоиз, қишлоқларда мевани қайта ишлайдиган корхоналар илгари ҳам бўларди. Аммо улардаги механизмлар талабга жавоб бермагани боис, асосий ишлар қўл кучи билан ба-

риларди. Бугун эса ҳаммаси ўзгарди. Мевани қабул қилишдан то уни саралашу қайта ишлашгача бўлган юмушлар автомат ёрдамида бажарилапти. Жараёнларни операторларимиз компьютер орқали кузатиб боришади, холос.

Дарҳақиқат, ушбу қўшма корхонадаги ишчиларга яратилган шарт-шароитларни кўриб, кишининг ҳаваси келади. Улар билан сўхбат қурсангиз, фақат илқ гапларни эшитсангиз, — Буларнинг барчаси истиқлол

шарофати, Юртбошимизнинг одиллона сиёсати ва эътибори тудайлидир, — дейди оператор Тўйли Холиқулов. — Бўлмаса, дунёда иқтисодий инқироз давом этётган хозирги пайтда мамлакатимизда шунчалик ривожланишга эришилмасди. Биз бундан унумли фойдаланиб, асосий маҳсулотимизни хорижга чиқараялмиш. Шунинг ортидан рўзғоримиз тўқин.

(Давоми 2-бетда).

8 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.



ИШ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ — СОЦИАЛ СИЁСАТНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ҲИСОБИ

Ушбу Дастур давлатимиз раҳбарининг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирилар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, 2010 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаси — ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самардорлигини таъминлаш, кучли иқтисодий сиёсатни амалга оширишдан иборатдир.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 4 декабрдаги Қарори билан тасдиқланган эди.

Муҳокама асосида 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини бажариш юзасидан иқтисодийнинг реал тармоқларида ва мамлакат ҳудудларида қатор

ишлар олиб борилганлиги қайд этилди. Мажлисида кўрсатиб ўтилгандек, Дастурнинг прогноз кўрсаткичлари ортими билан бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофиза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан ажратилган кредит маблағлари миқдори 2 миллиард 143 миллион сўмдан ошган.

Алоҳида таъкидлаб ўтилгандек, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 132,1 мингта, уй меҳнатининг барча шакллари, жумладан, касбчилик ва халқ хўжалиқининг ривожлантириш ҳисобига 101,7 мингта, парандачилик, чорвачилик, балкичилик ва бошқаларга ихтисослашган фермер хўжалиқларини ривожлантириш ҳисобига 59,4 мингта иш ўрни яратилди.

Кенгаш мажлиси иштирокчилари жорий йилнинг беш ойида яратилган жами иш ўринларининг 91,4 мингтаси Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастури доирасида ташкил этилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Биргина уй-жай қурилишини ривожлантириш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш дастурини бажариш

ҳисобига 42 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган.

Иш ўринларини ташкил этишда банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини тиклаш, кенгайтириш ва ривожлантиришга, янги корхоналар барпо этишга ажратилаётган кредит маблағлари катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Аҳолининг бандлигини таъминлашда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Жорий йилнинг беш ойида республика бўйича 530 та шундай ярмарка ўтказилиб, натижада 62567 нафар фуқаро иш билан таъминланган.

Айни вақтда, мажлисда кўрсатиб ўтилгандек, Сенат аъзолари маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари билан биргаликда жойлардаги вазиятни ўрганиб чиқишлари натижасида мамлакатнинг айрим минтақаларида Дастурни бажаришнинг бир қатор кўрсаткичлари бўйича мавжуд муаммолар аниқланди. Хусусан, Сирдарё ва Хоразм вилоятларининг бир қатор корхоналари ва айрим минтақаларида янги кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига, Сурхондарё вилоятида вақтинча ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратилиши прогноз

параметрлари тўлиқ бажарилмаган.

Шу муносабат билан мажлис катнашчилари Дастурнинг бажарилишини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Парламент аъзоларининг фикрича, давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари ўз сайлов округларида амалга ошираётган, ижобий натижадор бераётган депутатлик назорати анча кучайтирилиши керак.

Шунингдек, фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва улар учун белгиланган қўшимча кафолатларнинг қонуний асосларида таъминланиши устидан депутатлар томонидан қатъий назорат олиб бориш, вазириликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Дастурни бажариш борасидаги масъулиятини ошириш, касбаба уюшмаларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иш ўринларини ташкил этиш соҳасидаги ролини кучайтириш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Муҳокама натижалари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, парламент аъзоларининг асосий вазифаларидан бири парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ижро этувчи ҳокимият, марказда ҳукумат ва жойларда ҳокимликлар томонидан қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатилган иборат. Шу муносабат билан Сенат Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузаларининг асосий қоида ва ҳулосаларини рўйбга чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг устувор вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилган Ҳаракат дастурини ижро этишнинг боришини кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилди.

Мажлисида Сенат ва ҳукумат аъзолари, тегишли вазириликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 18 июнь куни Бухоро вилоятига сафари чоғида Қирғизистонда содир этилган воқеалар бўйича берган баёнотида давлат, сиёсат, ишбилармон, эксперт ва таҳлил доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларида кўплаб фикрлар ва шарҳлар келиши давом этмоқда.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ажай ПАТНАИК, Ж. Неру номидаги университет ҳузуридаги Халқаро тадқиқотлар мактабининг Россия ва Марказий Осиёни ўрганиш дастури директори (Ҳиндистон):

«Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар нафақат ушбу мамлакат, балки Марказий Осиёнинг барча давлатлари учун синов бўлди. Ўзбекистон Президентини Ислом Каримов бундай ўта мураккаб вазиятда ўзининг мустақкам иродаси, юксак инсоний кадр-қимматини намойиш этди, ҳис-туйғуларига эрк бермади, энг юксак таҳсинга сазовор бўлган сиёсий донолик ва узоқни кўра билиш фазилатларини намойиш қилди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, айнан Президент Ислом Каримовнинг сиёсий сиёсати беқарорлик қўламнинг кенгайишига йўл қўймади. Ўзбекистон бундай вазиятда тезкорлик билан ўз чегарасини очиб, қўшни давлатдан 100 мингдан ортиқ қочқинларни йўл ҳудудида қабул қилгани, уларни жойлаштиргани, тиббий хизмат, озиқ-овқат таъминоти, маънавий-руҳий ёрдам кўрсатиши ташкил этгани — буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг том маънода Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликнинг кафолати эканини кўрсатди.

Бу воқеалар Ўзбекистон ҳар қандай шароитда ўз иқтисодий ва сиёсий ривожлантиришнинг жўраб бўлган ҳудудларини рўй берган фожиали воқеалар муносабати билан Ўзбекистон танлаган позиция мутлақо тўғри ва оқилона эканини таъкидлади. Эксперт давлатимиз раҳбари ўзини фақатгина маъсулиятга йўл қўйиб, қочқинларга зарур ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни юксак баҳолади. «Дастлабки кунларда Ўзбекистон ўз давлат бюджетидан гоёта катта миқдорда маблағлар ажратди, ўзбек халқи ҳам бефарқ қараб турмади, қочқинларга зарур ёрдам кўрсатди».

Рохан ГУНАРАТНА, С. Раҳаратна номидаги халқаро тадқиқотлар мактаби ҳузуридаги Сиёсий зўравонлик ва терроризмни ўрганиш бўйича халқаро марказ директори, профессор (Сингапур):

«Қирғизистонда содир этилган фожиадан бутун жаҳон ҳамжамияти катта хавотир ва ташвишга тушди.

(Давоми 2-бетда).

Бир рақам
шарҳи

2010 йилнинг январь — март ойларида қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган янги иш жойлари

6,3
мингтани
ташкил этди.

БАНДЛИК ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш мақсадида чекка ҳудудларда кўплаб чакана савдо, умумий оқатланиш объектлари ва машиний хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ишга туширилгани қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини оширишда муҳим омили бўлди.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Бўлиб ўтган воқеалар тахлили амалга оширилган ҳунрезликлар олдиндан пухта режалаштирилган ва уюштирилганини кўрсатди. Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовнинг, бу четдан туриб уюштирилган, бошқарилган кўпуровчилик ҳаракатидир, деган фикрларини қўллаб-қувватлар эканман, уларни уюштирилган яқиний мақсади Марказий Осиёдаги вазиятни издан чиқариш бўлганини таъкидламоқчиман. Ўзбекистон раҳбари ўзининг узоқни кўра билиш қобилияти ва бой сиёсий тажрибаси тўғрисида минтақадаги қалтис вазиятнинг ёйилиб кетишига йўл қўймади. Ўзбекистон қочқинларга ўз чегарасини очиб, уларга зарур биринчи ёрдамни кўрсатди, минтақада ўзининг етакчи давлат, шунингдек, тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш тарафдори эканини яна бир бор намоён қилди.

Адиан СУЕР, "TRT-Avaz" телеканали мурофийлаштирувчиси (Туркия):

"Журналист сифатида Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистондаги воқеалар бўйича Президент Исрол Каримов томонидан баён қилинган позицияси Марказий Осиёда рўй бераётган жараёнларни, Ўзбекистоннинг етакчи давлат сифатида минтақада ҳавфсизлик ва барқарорлик учун масъулиятни чуқур ҳис этишидан далолатдир, деб ҳисоблайман. Ўзбекистон шухратпарастлик шиори билан эмас, балки яхши қўшничилик, минглаб одамлар ҳаёти учун жавобгарликка асосланган соғлом фикр билан йўғрилган оқилона ва оғир-вазмин сиёсатини амалга ошираётганини яна бир бор намоён қилди".

Айфер АКУС, "Global Yorum" интернет шаши бош муҳаррири (Туркия):

"Қирғизистондаги воқеалар бўйича баёнот Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг донишмандлигини яна бир бор намоён этди. Ўзбекистоннинг мустақиллигининг дастлабки кунларидан намоён бўлиб келаётган тинчликсевар сиёсати унинг минтақадаги тарихий ролига тўла мос келади ва қардош ўзбек ҳамда қирғиз халқлари ўртасида хунрезликнинг олдини олишга хизмат қилади".

Расим МУСАБЕКОВ, сиёсатшунос (Озарбойжон):
"Қирғизистон жанубидаги аянчли, тўғрироғи, фожиали воқеалар

Боқуда ҳам катта хавотир уйғотди. Ўзбекистон Президенти, муҳтарам Исрол Каримов Қирғизистон жанубидаги тўқнашувлар пайтида намоён қилган оғир-вазминлик ва донишмандлик моҳирони тўхтаб қолдиш имконини берди, этник адоват оловининг бутун Марказий Осиёга ёйилиши ва авж олишига йўл қўймади. Барча соғлом фикрли сиёсатчилар, тахлилчилар ва оддий одамлар Ўзбекистон раҳбарининг бу фазилатларини муносиб баҳоламоқдалар. Биз, боқуликлар, бундай қарама-қаршиликлар, айниқса, нафақат миллатлараро, балки давлат-

Қирғизистондаги ҳозирги вазият қалтислигини ҳисобга олиб, жиноятларни мустақил тергов қилиш ва барча айбдорларни жавобгарликка тортиш мақсадида халқаро комиссия ташкил этиш, айниқса, муҳимдир.

Мен Президент Исрол Каримов намоён этган, Ўзбекистон катта ҳарбий қудратга эга бўлишига қарамай, халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳурмат қилишга асосланган оқилона қарор ва жиддий ёндашувни юксак қадрлайман. Бу мардонор азму қарор БМТ тизимидаги тузилмалар томонидан ҳам, АҚШ,

Ж. ДЕЛАПОРТ, Руан технология институти ҳуқуқшуноси, профессор (Франция):

"Ўзбекистон Президентининг Қирғизистондаги воқеаларга оид баёноти Исрол Каримовнинг оғир-вазминлиги, самимилиги, донолиги ва кўшни мамлакатдаги вазиятни теран англашини яна бир бор намоён этганини таъкидламоқчиман.

Президент Исрол Каримовнинг Қирғизистондаги фожиали воқеаларни асло этник ёки динлараро можаро деб бўлмайди, деган фикрига тўла қўшиламан".

қасини бу можарога тортмоқчи бўлдилар, лекин, кўриниб турибдики, бу ҳеч қандай натижа бермади. Менимча, ушбу можарога байналмилал тус беришга уринишнинг мутлақо фойдаси йўқ. Шу маънода, Ўзбекистон раҳбарининг "Бугунги кунда ўзининг қадр-қиммати, гуруру ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриб, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир бўлган давлат ва халқнигина дунё аҳли тан олади ва ҳурмат қилгани", дегани, шак-шубҳасиз, одилона сўзлардир".

билан ўзгариб бораётган сиёсий вазиятга аралашмаслик билан ўзининг буюк сиёсий арбоб эканлигини намоён этди.

Ҳақиқий йўлбошчилик фазилатларига эга Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовнинг ўш ва Жалолободдаги ўзбек миллатига мансуб бегуноҳ, ҳимосиз аёллар ва болаларга қарши очикчасига содир этилган ваҳшиён жиноятларга нисбатан шомша-шошарлик билан иш тутайдан тийилишни кўзда тутиган оқилон позицияси минтақани мавжуд вазиятнинг янада оғирлашишдан қутқариб қолди.

Бу фожиали воқеалар ташқаридан туриб ташкил қилинган ва бошқарилган кўпуровчилик, деб таъкидлар экан, Ўзбекистон раҳбари мутлақо ҳақдир.

Президент Исрол Каримовнинг ўз вақтида берилган баёноти унинг доно давлат арбоби эканини яна бир бор исботлади".

Арсим ЗЕКОЛЛИ, ЕХТнинг Туркменистондаги маркази раҳбари:

"Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорлиқни сақлашда ҳал қилувчи ўрин тутди. Президент Исрол Каримовнинг тинчликпарвар ташаббуслари доимо халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Ўзбекистон Президентининг Қирғизистон жанубидаги воқеаларга оид сўнги баёноти ҳам ана шундай эътирофга сазовор бўлди.

Кўшни мамлакатдаги вазият қанчалик кескин бўлишига қарамай, Ўзбекистон ҳолис ва узоқни кўзловчи сиёсатини намоён этиб, энг тўғри позицияни таллади.

Ўзбекистон Президенти, Қирғизистондаги воқеалар миллатлараро қарама-қаршилик эмас, балки можародан манфаатдор бўлган бузғунчи кучлар томонидан уюштирилган, деб жуда тўғри таъкидлади.

Болқонда миллатлараро тўқнашувлар минглаб одамларнинг қурбон бўлишига, миллионлаб одамларнинг уй-жойини ташлаб кетишига, давлатнинг парчаланишига, қўғлаб вироғонагарчиликлар ва одамларнинг азоб-қубат чекишига олиб келганини ўз кўзим билан кўрганман.

Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовнинг саёй-ҳаракатлари Ўзбекистон давлатининг Марказий Осиёда барқарорлиқни сақлаш сиёсатига қатъий содиқлигини ва минтақа ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутганини яна бир бор намоён этди".

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

лараро хусусият касб этганида, қандай оғир оқибатларга олиб келишини яхши биламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов ўз баёнотида даъват этган ақл-идрок, оғир-вазминлик, ўзини масъулиятли тутиши айна вазиятни аста-секин ўнглаш имконини берадиган омилар ҳисобланади".

Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети профессори (АҚШ):

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг Қирғизистон жанубида содир этилган, ваҳшийлик, зўрлаш, болаларнинг, аёллар ва қарияларнинг ҳаётига қасд қилиш билан боғлиқ ваҳшиён ҳолатларни ўз ичига олган оммавий жиноятлар ташқаридан туриб, узоқни кўзлаб ташкил этилган ва бошқарилган фитнадир, деган фикрларига тўла қўшиламан.

Бу фожиали кунларда бутун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонда Қирғизистондан қочиб келган ўзбек миллатига мансуб бегуноҳ болалар, аёллар ва қариялар муҳофазага олинганини ва ҳавфсиз жойларга жойлаштирилганини кўриб турди.

Мен ўш ва Жалолобод вилоятларида бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил қилар эканман, Президент Исрол Каримовнинг пухта ўйланган ва оқилона қарори бутун минтақани қамраб олиши мумкин бўлган мудҳиш уруш оловини ўчирди, деб айта оламан.

Германия, Франция ва дунёнинг кўплаб бошқа етакчи давлатлари ҳуқуқматлари томонидан ҳам юксак баҳоланди".

Ролан БЛЮМ, Буш-дю-Рон минтақаси депутати, Миллий ассамблеядаги Франция — Ўзбекистон дўстлик гуруҳи раиси (Франция) ўз шарҳида, "қуролланган тўдаларнинг Қирғизистон жанубида, жумладан, ўшда ва унинг атрофларида камсонли ўзбек миллатига мансуб аҳоли жабр кўришига олиб келган зўравонликларини кескин қоралашни" таъкидлайди.

"Адолат албатта қарор топиши ва бу оммавий жиноятларни уюштирган айбдорлар қонун олдида муқаррар жавоб беришини таъкидлаб, одамларни ишонтирган Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг оғир-вазминлиги таҳсинлар айтаман ва уни қўллаб-қувватлайман. Ўзбекистон раҳбари ўз халқини Ўзбекистон ҳудудида ўтган қочқинлар оқимини кўриб, қасос ўтида ёнмасликка чакирди. Қочқинларга тезкорлик билан ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди, жумладан, улар озиқ-овқат билан таъминланди, тиббий хизмат кўрсатилди, руҳан қўллаб-қувватланди.

Президент Исрол Каримов ўзининг тинчликпарвар инсон эканлигини, Марказий Осиёда барқарорликни сақлаш ва минтақадаги халқлар тақдирини учун жонқуяргилгини яна бир бор намоён этди".

Малайзиянинг Халқаро ишбилармон аёллар уюшмаси президенти Норазиза БҮРҲОН Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг Қирғизистондаги воқеаларга оид баёнотини шарҳлар экан, қуйидагиларни қайд этди:

"Ўзбекистоннинг оғир-вазмин позицияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг ҳар томонлама пухта ўйланган ва кенг мушоҳадали баёноти Қирғизистондаги вазиятни барқарорлаштиришда ҳал қилувчи омил бўлди, аҳоли янада ёмонлашиб, фожиали воқеалар бошқа мамлакатларга ёйилиб кетишининг олдини олди.

Исрол Каримовнинг баёноти ва ўтиш даври президенти лавозимига тасдиқлангани муносибати билан Р. Отунбоевага йўллаган табриги, шунингдек, оғир давларда Қирғизистонни қўллаб-қувватлагани нафақат қирғиз халқи, балки бутун жаҳон жамоатчилигида Ўзбекистон Президентига нисбатан янада улкан ҳурмат-эҳтиром уйғотди".

Владимир МЕСАМЕД, Қуддус университети профессори:

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг, ушбу қонли тартибсизликларда қирғизлар ҳам, ўзбеклар ҳам айбдор эмас, деган сўзларини чуқур ўйланган фикр, деб биланман. Ҳайратанки, Исрол Каримов, бу четдан туриб уюштирилган, бошқарилган кўпуровчилик ҳаракатидир, дер экан, мутлақо ҳақдир. Ўзбекистон Республи-

Доктор Маҳмуд-ул-ҲАСАН ХОН, Покистон Марказий банки таҳлил бошқармаси етакчи экспerti, "Defence Journal" журналининг геосиёсати ва иқтисодиёт масалалари бўлими муdiri:

"Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан Президент Исрол Каримов барча минтақавий ижтимоий-иқтисодий ва геостратегик можаролари масалаларни тинч йўл билан, куч ишлатмасдан ҳал қилиш ғоясини илгари суриб келмоқда. Ўзбекистон Президенти миллий истиқлолнинг асл руҳини, давлат чегарасини ҳимоя қилиш, демократик ўзгаришларни амалга ошириш, тинчлик ва минтақавий тотувлиқни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча фазилатларга эга узоқни кўзлаб иш юритувчи давлат арбобидир.

МДҲ мамлакатлари янги тарихининг қалтис бурилиш даврида Ўзбекистон раҳбари президент оқилона сиёсати ва қатъий оғир-вазмин фалсафасининг ҳаётийлигини яна бир бор намоён этди.

Ўзбекистон Президенти Исрол Каримов одилона иш тутди, тинчлик ва барқарорлиқни асраш учун жамоатчиликни зўравонликка қарши туришга чакирди. Зеро, кечиримлиқ минтақани қутқариб қолдиш йўлидир, ваҳшийлик ва интиқом билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Аксинча, бу янада баттарок тартибсизликлар, адоват ва норозиликларни келтириб чиқариши мумкин. Исрол Каримов Қирғизистондаги шиддат

Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

«БУХОРО» АЭРОПОРТИ — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

"Бухоро" халқаро аэропорти ўтган йили халқаро "Аэропорт" ассоциацияси томонидан МДҲ мамлакатлари ўртасида энг яхши аэропорт, деб топилган эди.

Яқинда "Бухоро" халқаро аэропорти 2009 йилги кўрсаткичлари учун мазукур ассоциация ташкил этган наватдаги танловда "Барқарор ривожланаётган аэропорт" номинацияси бўйича ғолиб чиқиб, совири билан тақдирланди.

Ўтган йили Бухоро аэропорти 79 минг 250 нафар ортиқ йўловчига хизмат кўрсатди. Бу мўлжалдагидан 6 минг кўп демакдир. Шунингдек, юк ва почта ташиш режалари ҳам ошириб бажарилди. Ҳаво лайнерларига техник

хизмат кўрсатиш, йўловчиларга тегишли қулайликлар яратиш борасида ишлар халқаро андозалар даражасига кўтарилди.

— Жорий йилда 85 минг йўловчига хизмат кўрсатиш ни мўлжаллаганмиз, — дейди аэропорт директори Тоҳир Бахронов. — Йил охирида энг замонавий қулайликларга эга ва соатига 400 микрога хизмат кўрсатадиган янги йўловчи терминали қурилиши ниҳоятда етказилди.

Э. ЁДГОРОВ, Ў.А. мухбири.

Интилиш

"Фаргона энерго маркази" акциядорлик жамияти виллоятдаги 382 та кўп қаватли уйга, 69 та бюджет ва 21 хўжалик ҳисобидаги ташкилотларга иссиқлик энергияси етказиб беради.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ҚЎЛ КЕЛДИ

Ушбу жамиятда, асосан, замонавий эскирган манбалардан самарали фойдаланиш учун когенерация усулдан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаёпти.

Дарҳақиқат, дунёдаги кўплаб иссиқлик энергияси узоқ вақтларда бу усул яхши натижа бериб келмоқда. Бундай тизимда, биринчи навбатда, шартли ёқилги сарфлашни қатъий назоратга олинади. Шунингдек, замонавий ускулларда иссиқлик энергияси билан бирга, арзон нархда электр энергияси ҳам ишлаб чиқарилади. Иссиқ сувни зарарлантириш ҳам иситиш билан бир пайтда олиб борилади. Буларнинг барчаси ёқилги сарфини 30-40 фоизга камайтириш имконини бермоқда.

Айни пайтда виллоятдаги 6 та иссиқлик таъминоти корхонасини мазукур усулда ишлашга ўтказиш чора-тадбирлари қуриллаёпти.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚИШЛОҚ САНОАТИНИНГ ИСТИҚБОЛИ


(Давоми. Боши 1-бетда).

Корхонада бўлган пайтимида фермерлардан 180 тонна ўрик қабул қилинди. Махсулот узатиш линиялари бир маромда ишламоқда. Меваларни ювиш, саралаш, қайта ишлаш учун кўл кучига сира ҳолат йўқ. Ҳаммасини техника бажараяпти. Тайёр махсулот эса эстетик жиҳатдан ҳавас қиларли даражадаги идишларда қадоқланмоқда.

110 нафарлик корхона жамоаси шу кунларда ўрик, қароли меваларини қайта ишлашни тугаллаб, помидор пастасини тайёрлашга киришмоқда. Зеро, улар ўтган йилда 1700 тонна ўрик, 1600 тонна помидор пастасини Россия ва Украинага экспорт қилганди. Бу йил эса ўтган йилги кўрсаткичларни янада яхшилаш мақсадида меҳнат қилишмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: корхона фаолиятдан лавҳа.



Мамлакатимизда истиклол туфайли миллий ўзликни англаш, ҳаққоний тарихни тиклаш борасида беқиёс ишхотлар амалга оширилмоқда. Бундай савий-ҳаракатлар халқимиз маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётди. Улкан маданий меросни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш эса тарихий жой номларини юзага чиқариш муҳим аҳамиятга эгадир.

роғлар, ҳибонлар, майдонлар, метро ва автобус бекатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари биноларини беэза турган тарихий номлар ва лавҳалар мамлакатимизнинг табиий-географик қиёфасига янгина руҳ берди.

мирзатепа, Шаҳартепа, Гулчаман, Писак, Лангар, Оқтепа, Сополтепа) сақланиб қолган. Улар оралида Қўштепа тепалигида жойлашган Писак ёдгорлиги (шаҳристон) алоҳида ажралиб турди. Тарихий манбаларда қайд

ва шакланган аъёналарга мос эмас, деб ўйлаймиз. Зеро, халқимизда муайян бир жой ё худудни тўғридан-тўғри номламай, тилмиз қонун-қоидаларига мос равишда исмига иккинчи бир компонент қўшиб, янги қўшма сўз

Фахрланиб айтишимиз мумкинки, бугун юртимизнинг қайси бир ғўшасида бўлсангиз, жой номлари халқимизга хос тарзда номланганига ғувоҳ бўласиз. Нафақат тарихий ҳудудлар, шунингдек, истиклол йилларида қад ростлаган иншоотлар, кўча ва хиёбонлар номи ҳам ўзбекона номлангани, уни тилга олганда дил яйрайди, қалб гурурга тўлади. Фарона виллоятининг Ҳўнбобоев туманида яшовчи кишиларнинг ҳам фикри шундай. Улар истиқлол туфайли қўллаб тарихий ёдгорликлар, жой номлари тикланаётган бугунги кунда ўз бағрида кўп минг йиллик ўтмишни сақлаб келаётган тарихий жой номларини эъозлаш борасида дил сўзларини изҳор этмоқда. Зотан, туманининг тарихиди ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, уни муносиб ном билан аташ бу борада амалга оширилаётган наватдаги хайрли тадбирлардан бири сифатида ўтмиш ва келажак орасида кўприк бўлиши, авлодларга тарихий меросни муносиб тарзда етказишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Т. МИБРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

Д. ЗИЙЕВА, тарих фанлари доктори.

И. ТҲҲАБОВ, «Олтин мерос» жамғирмаси Фаргона виллояти бўлими бошлиғи.

ЖОЙ НОМЛАРИ — ТАРИХ КЎЗГУСИ

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллик тарихи давомида ҳар бир жойни ўзига мос тарзда номлаш борасида улкан ижобий ўзгаришлар амалга оширилаётганлигига ғувоҳимиз. Кўплаб кўчалар, туманлар ва муассасалар тарихий аҳамиятга молик номлар билан аталмоқда. Бой ўтмишимизга бўлган беқиёс эҳтиром эндиликда жойлар номида ҳам яққол кўринмоқдаки, бу, ўз навбатида, аввало, ёшларимизнинг тарихни ўрганишга қизиқишини ошириб, улар қалбида она-Ватанимизга нисбатан садоқатини ҳам орттиради.

Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига Ватанга муҳаббат туйғуси ҳақида шундай деб ёзилган: "Биз шундай маънавий муҳит яраттишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшатиб турсин". Бу сўзлар зами-

Яқинда матбуотда Марғилон ва унинг атрофидаги ҳудудларнинг тарихий номларини тиклаш борасида жамоатчилик, олимларнинг фикрлари билан танишиб, ушбу мулоҳазаларимизни билдиришга жазм қилдик.

Дарҳақиқат, Марғилон ва унинг атрофидаги ҳудуд ўзига хос тарихга эга, бу ернинг тарихий номини тиклаш тарихий маънавий, маданий бойлигимизга ҳурматнинг яна бир намунаси бўлур эди. Марғилон ватанимиз тарихида ўзига хос ўринга эга бўлиб, 1957 йилда бу туманининг Марказий Фарғонага туташ ерларида эраимиздан аввалги VI-V асрларга, аниқроғи, неолит даврига мансуб бир неча тош қуроллар топилган. Ҳозирги кунда эса туманда эраимизнинг бошларида вулдуға келиб, V-VIII асрларга ҳужулаб-шн қилинган 9 та археологик ёдгорлик (Қизлар мазор, Мозортепа, Шох-

этилишича, арабларга ва мўғулларга қарши курашларда вайрон этилган мазукур ҳудуд кейинчалик табиий иқлим ўзгариши билан қайта тикланмади. Аммо ундан қолган тепалик Қўштепа номи билан сақланиб қолди.

Маҳаллий аҳолининг, хусусан, кўпни кўрган ёши улуг кишиларнинг фикрларига қўра, мазукур ҳудуд кўп йиллар давомида Марғилон депараси деб ҳам юритилган. Депарга туман, деган маънони англатишини инобатга олсак, демак, бу ер ўзига хос нуфузга эга бўлган. Айни пайтда Марғилон депарасида аҳоли гуварм бўлиб, кишиларнинг хунрандчилик, савдо-сотик ва бошқа юмушлар билан банд бўлишида қулай маскан бўлган. Бу эса туманининг ҳозирги номи табиий-географик рельефга, халқимизнинг жойларга ном бериш борасида асрлар давомида орттирган тажрибаси

ясаган. Масалан, Юнусобод, Тўрақўрган, Султонорик, Малик-рабат қабри.

